



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2014 йил 19 март, № 54 (5984)

Чоршанба

Олий Мажлис
Қонунчилик палатасида



ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШ ВА МАМЛАКАТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Қонунчилик палатасида унинг Регламентига мувофиқ давлатимиз раҳбари Исом Каримов ташаббуси билан киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»-ги қонун лойиҳаси муҳокамадан ўтмоқда.

Қуни кеча мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида биринчи ўқишда қўриб чиқилди. Қонун лойиҳасини қўриб чиқишга тайёрлаш учун масъул бўлган Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг маърузасида таъкидландики, Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар парламентнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамаси, умуман, ижро этувчи органларнинг масъулиятини, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш юзасидан мамлакатимизда амалга ошири-

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси депутатлари ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён этилган қоида ва ғояларга мувофиқ тайёрланганини таъкидладилар. Шунингдек, қонун лойиҳасининг яна бир муҳим янгилиги Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилганлиги, Бундан ташқари, Президент ваколатларининг бир қисминини Бош вазирга ўтказишни, Бош вазир номзодини тақдим этиш ва унинг парламент палаталари томонидан тасдиқланиши тартибига аниқликлар киритишни назарда тутадиган ўзгартиш ижро этувчи ҳокимиятнинг мустақиллиги ва жавобгарлигини янада оширишга қаратилган. Масалан, Конституцияга киритилаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Бош вазир лавозимига номзод қўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури номзод томонидан тақдим этилиши назарда тутадиган қоида демократик жамиятнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этадиган парламентаризм ва партиялараро рақобат тизимини янада мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

(Давоми 2-бетда).

Автомобилсозлик:

ЯНГИ ТАРМОҚЛАРНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

Нафақат шахарлар, балки олис қишлоқлар кўчаларини тўлдириб ўтаётган замонавий русумдаги автомобилларни кўрганимизда, «Ўзимизнинг машиналар», дея қалбимиз фахрга тўлади. Дарҳақиқат, автомобилсозлик соҳасидаги тараққиёт ва янгилашнилар бугунги кун шитобига мос равишда жадал давом этмоқда. Президентимиз мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида алоҳида таъкидлаганидек, сўнгги йилларда аҳолининг ўзимизда ишлаб чиқарилган энгил автомобиллар билан таъминланиш даражаси ўсгани ҳам ана шундан далолатдир.



МОДЕРНИЗАЦИЯ



2000 йилда ҳар 100 та оилга ўртача 20 та энгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 тага етди. Яна бир эътиборли жиҳати шунки, юртимизда оилаларнинг 11 фоиздан ортиғи 2 тадан энгил автомобилга эга. Бу кўрсаткичлар, энг аввало, бизнинг ўз олдимизга қўйган юксак мақсад — дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлидан изчил ва бошқичма-бошқич илгариллаб бораётганимизнинг исботи, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Соҳа ривожининг боришини Андижон автомобилсозлиги мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Утган йил якунига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 10,4 фоизни таш-

қисмлар етказиб беришга ихтисослаштирилган. Янги қувватлар ишга туширилиши баробарида, мавжудларини техник, технологик қайта жиҳозлаш, модернизациялаш тадбирлари ҳам изчил давом эттирилмоқда. Бунда, биринчи навбатда, маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ўзлаштиришга эътибор қарати-

лаётир. Натижада ҳозирги пайтда вилоятдаги 60 дан зиёд корхоналарда кооперацион алоқалар ўрнатилди. Аксарият автомобилсозлик корхоналарида янги технология ва рационализаторлик таклифлари асосидаги маҳсулотлардан ташқари, турдош маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

Жорж ЭДГАР:

«НАВРЎЗ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТАДИ»

Ўзбекистон ва Буюк Британия ҳамкорлиги барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, иқтисодиёт, таълим, илм-фан, маданият, ҳаво транспорти ва туризм соҳасидаги ҳамкорликка оид битимлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Наврўз айёми арафасида УзА муҳбири Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Жорж Эдгар билан суҳбатлашди.

■ БИХТ ВА ЖАХОН

— Жаноб элчи, суҳбатимиз Наврўз байрами арафасида кечмоқда. Ушбу байрам ҳақида ўз фикрингизни билдирсангиз.

— Ўзбекистондаги фаолият домида мамлакатингизнинг деярли барча ҳудудларида бўлдим, қадимий аънава ва урф-одатларингиз билан танишдим. Ўзбекистон халқи байрамлар ва муҳим оила-

вий тантаналарни шоду хуррамлик билан нишонлашни кўрдим. Наврўз Ўзбекистон ва Марказий Осиё халқлари уч минг йилдан кўпроқ вақт давомида байрам қилиб келаятган энг қадимий ва ўзига хос ажойиб айёмдир. Ушбу хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда, Наврўз қўллаб-қўлланган аънаванаси сифатида 2009 йилда ЮНЕСКОнинг Инсоният номод-

— Бугунги кунда Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик қайси соҳаларда, айниқса, жадал ривожланмоқда?

— Шунингдек, қонун лойиҳасининг яна бир муҳим янгилиги Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилганлиги, Бундан ташқари, Президент ваколатларининг бир қисминини Бош вазирга ўтказишни, Бош вазир номзодини тақдим этиш ва унинг парламент палаталари томонидан тасдиқланиши тартибига аниқликлар киритишни назарда тутадиган ўзгартиш ижро этувчи ҳокимиятнинг мустақиллиги ва жавобгарлигини янада оширишга қаратилган. Масалан, Конституцияга киритилаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Бош вазир лавозимига номзод қўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури номзод томонидан тақдим этилиши назарда тутадиган қоида демократик жамиятнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этадиган парламентаризм ва партиялараро рақобат тизимини янада мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

(Давоми 2-бетда).

■ АНЖУМАН

Юртимизда аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш ва уни эркин тасарруф этиш учун барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, амалдаги меҳнат қонунчилигига кўра, жисмоний шахслар асосий иш жойидан ташқари, бошқа корхона ёки ташкилотда ўриндошлик асосида, шунингдек, ўзига тегишли мол-мулкни ижарага бериш, қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятлар билан шуғулланиб, чекланмаган миқдорда даромад олишлари мумкин.

Декларацияни ўз вақтида топшириш

фуқаролар учун ҳам, солиқ органлари учун ҳам мақсадга мувофиқдир

Бу даромад эса декларация асосида солиққа тортилиб, у Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар асосида тартибга солинади.

Жисмоний шахслар ушбу даромадлари бўйича жами йиллик декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этиши лозим. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, агар жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадидан, унинг аризага кўра, энг юқори ставкада солиқ ушлаб қолинган бўлса, декларация тақдим этилмайди.

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида шу хусусда сўз юритилди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Солиқ кодексининг 189-моддасида қайд этилган даромадларида декларация асосида солиқ солинади. Мулкӣ, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар, асосий бўлмаган иш жойидан моддий наф тарзида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги, яъни солиқ агентлари бўлмаган манбалардан қўрилган даромадлар шулар сирасига киради.

Мол-мулкни ижарага бериш орқали даромад олаётган жисмоний шахслар эса бундай даромад пайдо бўлган кундан бошлаб биринчи ойдан сўнг беш кун ичида дастлабки декларацияни топшириши керак. Агар мол-мулкни ижарага беришдан даромад олиш тугаса, бу ҳақда доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

(Давоми 2-бетда).

Хўжалик судлари фаолиятига замонавий АКТ изчил татбиқ этилмоқда

Бугунги тезкор даврда мамлакат тараққиётини замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис кейинги йилларда юртимизда ҳар бир соҳага АКТ ютуқларини татбиқ этишга қаратилган ишлар изчил олиб боришмоқда. Хусусан, улар хўжалик судлари фаолиятига кенг жорий қилиниб, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда кўл келмоқда. Мухбиримиз бу жараёнларнинг бориши ва уларнинг натижалари ҳусусида Олий ҳўжалик суди раиси ўринбосари Собир ХОЛБОЕВ билан суҳбатлашди.

■ ФАРМОН ВА ИЖРО

— Юртимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рақобатни кучайтириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, салмоқли ютуқ ва натижалар қўлга киритилмоқдаки, бунда, шубҳасиз, соҳанинг истиқлол даврида яратилган мустаҳкам ҳуқуқий асоси муҳим омил бўлмоқда, — дейди Собир Баратович. — Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган қонун ҳужжатларининг бу борадаги ўрни, айниқса, катта бўлган барчага аён ҳақиқат. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик

тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Улар бизнесни эркин бозор иқтисодиёти талаб ва тамойилларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш ва юритиш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш, тадбиркор-

лик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, улар йўлига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этишга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Мухими, ушбу сазй-ҳаракатлар туфайли бугунги кунга келиб, тадбиркорлик субъектлари ўзларининг банк ҳисобварақаларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш, шу жумладан, «Интернет-банкнинг» тизими орқали солиқ фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Улар бизнесни эркин бозор иқтисодиёти талаб ва тамойилларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш ва юритиш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш, тадбиркор-

лик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, улар йўлига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этишга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Мухими, ушбу сазй-ҳаракатлар туфайли бугунги кунга келиб, тадбиркорлик субъектлари ўзларининг банк ҳисобварақаларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш, шу жумладан, «Интернет-банкнинг» тизими орқали солиқ фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Улар бизнесни эркин бозор иқтисодиёти талаб ва тамойилларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш ва юритиш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш, тадбиркор-

ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиши.

— Хўжалик судлари фаолиятига замонавий АКТни жорий қилиш ишлари қандай давом этмоқда?

— Аввало, бундан кўзланган асосий мақсад суд тизими фаолиятининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш, судга мурожаат қилган ҳар қандай ҳуқуқ бузилган шахсининг ортқича овозрағарчилигига чек қўйиш, харажатларни камайитириш, судларда ишларни ташкил этиш, низоларни ҳал қилиш тартибини соддалаштириш, процессуал муддатларни қисқартиришга қаратилганлигини айтиб ўтиш зарур.

(Давоми 2-бетда).



НАМКОРБАНК

БИРГАЛИҚДА
ЮКСАЛИШ САРИ

*Барга юртдошларимизни
Наврўз айёми билан муборакбод эitamиз!*

*Сизларга тинчлик-хотиржамлик, хонадонингизга
фаровонлик ва юртиниз раванги йўлидаги
бунёдкорона ишларингизда муваффақиятлар
тилаймиз!*

Call centre
8 800 1-200-200
www.hamkorbank.uz

Хизматлар лицензияланган.



«Тошрангметзавод» ОАЖ
ЖАМОАСИ

диёримиз
аҳлини Янгилашниш
Ва Яшариш
Байрами —
**Наврўз
айёми**
Билан самимий
қутлайдиган!

*Барчага
сиҳат-саломатлик,
дастурхонларига
қут-барака тилайди!
Байрамингиз
қутлуғ бўлсин,
азизлар!*



«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖ
ЖАМОАСИ

кўп миллатли Ўзбекистон халқини
умуммиллий байрам — уйғониш,
яшариш ва яшнатиш айёми —
Наврўзи олам
билан табриклайди!

*Барчангизга соғлиқ-омонлик, фаровонлик,
қувонч, баҳорий кайфият, Ватанимиз тараққиёти
йўлида амалга ошираётган ишларингизда
ривож тилайди!*

ЭЪЛОН

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» 20 ЁШДА
ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» КОМПАНИЯСИ

«МИНГИНЧИ МИЖОЗ»
акцияси бошланганлигини эълон қилади.

«Мингинчи мижоз» акцияси «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг 20 йиллик юбилеи муносабати билан уюштирилмоқда.

Акция компаниянинг Суғурта маркази ҳамда ҳудудий филиалларида 2014 йил 1 февралдан 1 апрелгача бўлган давр ичида суғурта полисини сотиб олган жисмоний шахслардан иборат мижозлар ўртасида ташкил этилади.

Акцияда қуйидаги мукофотлар соврин сифатида ўйналади:

- Биринчи мингинчи мижозга — LCD 42 дюймلى плазма телевизор;
- Биринчи беш юзинчи мижозга — Galaxy Note планшет;
- Биринчи юзинчи мижозга — Galaxy S3 мобил телефони.

Акция голибларига мукофотларни топшириш маросими 2014 йил апрель ойида, компаниянинг 20 йиллик юбилеи арафасида бўлиб ўтади.

«Мингинчи мижоз» акциясига қўшилиш!

Батафсил маълумотни (8-371) 235-94-27, 120-03-54 телефонлари ёки www.uzbekinvest.uz сайти орқали олиш мумкин.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 369. 140 877 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.20 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.